**Лойиҳа**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари лойиҳаси Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг ишчи гуруҳи томонидан мутахассисларнинг, олимларнинг, жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирокида ишлаб чиқилди.

* * *

Ҳозир кўпгина жумҳуриятларда ва бутун мамлакатда иқтисодиёт ва умуман ижтимоий-сиёсий система тушиб қолган танглик ҳолатидан чиқиш йўллари зўр ғайрат билан фаол равишда қидирилмоқда. Кўпгина дастурлар таклиф этилди, бироқ ягона ёндашувларнинг, уларни амалга ошириш таъсирчан воситасининг йўқлиги сабабли уларни рўёбга чиқариш кечикмоқда.

Ўзбекистон олдида ҳам жумҳуриятимизнинг фаровонлиги тўғрисидаги, унинг одамлари манфаатлари ҳақидаги ғамхўрлик мақсадини кўзловчи мана шундай муаммо кўндаланг бўлиб турибди.

Мамлакатимиздаги унитар давлатнинг бутун тажрибаси минтақаларнинг аниқ-равшан ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, нуфус, жуғрофий, табиий-иқлимий, тарихий ва бошқа ҳақиқий тафовутларни менсимайдиган сиёсат пировард натижада барбод бўлишга маҳкум эканлигидан далолат бермоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик системасининг кўп йиллик ҳукмронлиги ва кейинги йиллардаги қўпол хатолар ҳамда янглишишлар оқибатларини Ўзбекистон аҳолиси бошқа минтақалардан кўра кўпроқ ҳис қилмоқда.

Жумҳурият иқтисодиёти ва унинг ижтимоий соҳаси ҳолати йиғилиб қолган кўпгина муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришда танглик тамойиллари тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Жумҳуриятни ривожлантиришнинг комплекслилиги издан чиққан, чуқур структура номутаносибликлари маълум бўлиб қолди, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги пасайди. Ана шуларнинг оқибати ўлароқ ижтимоий муаммолар кескинлашди, аҳоли фаровонлигининг барча асосий кўрсаткичлари бўйича Иттифоқдаги ўртача даражада тафовут қисқармаяпти, Ўзбекистоннинг бир қанча минтақаларида экология вазияти кескин ёмонлашди. Миллатлараро муносабатларнинг ўткир тус олиши жумҳуриятда анчагина кескинликни вужудга келтирмоқда.

Ишлаб чиқарувчи кучларни пухта ўйламай, ўзбошимчалик билан жойлаштириш, воҳаларда экология жиҳатдан зарарли корхоналар барпо этилганлиги, пахтанинг яккаҳокимлиги қарор топганлиги халқ хўжалигининг мувозанатида қўпол бузилишларга олиб келди. Қайта тикланмайдиган жуда қимматли минерал хом ашё ва ёқилғи бойликларидан оқилона фойдаланилмади ва ҳозир ҳам шундай фойдаланилмоқда. Бу бойликлар деярли ҳеч қандай қайта ишланмай бошқа минтақаларга олиб кетилмоқда. Жумҳуриятдаги корхоналарнинг анчагина қисми ишлатилавериб сийқаси чиқиб кетди, улардаги машина-ускуналар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирди, улар аллақачон алмаштирилиши керак.

Корхоналарни жойлаштиришдаги тор маҳкамачилик ёндашуви, жумҳурият халқининг манфаати писанд қилинмаслиги қишлоқ ёрдамчи тармоқларини ривожлантиришда жиддий хатоларга олиб келди. Жумҳурият ҳудудидаги айрим минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида анчагина тафовут вужудга келди, йирик шаҳарлар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут эса бундан ҳам кўп.

Истеъмол бозоридаги вазият кун сайин тобора кескинлашиб бормоқда. Бир томондан моллар ва хизматлар мутлақо етишмаётган бўлса, иккинчи томондан эса аҳолининг айрим табақаларида жамғармалар тобора кўпайиб бормоқда. Жумҳуриятнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларидаги озиқ-овқат бозорида вазият айниқса кескинлашди.

Овқатланиш таркибининг номутаносиблиги, унинг асосини нон ташкил этаётганлиги, бир қанча районларда ичимлик сув сифатининг пастлиги, соғлиқни сақлаш базасининг етарли ривожланмаганлиги, экология вазиятининг ёмонлашганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси аҳолининг умумий турмуш даражасига ва сиҳат-саломатлигига салбий таъсир қилмоқда. Ўртача умр кўриш жиҳатидан Ўзбекистон Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турибди.

Инсонни уйғун равишда камол топтириш, унинг шахси маънавий етуклиги учунгина эмас, кўпинча энг оддий ҳаёт таъминоти учун ҳам ҳеч қандай шароит йўқ. Жумҳурият халқ хўжалигидаги танг вазиятга унинг тармоқлари ўн йиллар давомида бир томонлама ривожланиб, мамлакатнинг бошқа регионлари учун хом ашё базаси бўлиб келганлиги ҳал этувчи таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси мамлакатда содир бўлган инқирознинг, аввалги яккаҳокимликдан иборат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий структуралар ҳаётий эмаслигининг ифодаси бўлиб ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари шаклини ўзгартиришни талаб қилади.

Айни вақтда СССР миллий давлат тузилиши шаклини янгилаш жараёнлари ўз негизи жиҳатидан ижобий бўлсада, бу жараёнларда ўткир можаролар ва катта иқтисодий нобудгарчиликлар содир бўлмоқда.

Халқларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақилликка интилиши жумҳуриятларнинг давлат суверенитети (мустақиллиги) тўғрисида декларациялар ҳамда уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлайдиган қонун ҳужжатлари қабул этилишида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ССЖ ҳам шундай декларацияни қабул қилди.

Воқеаларни тескари буриб юборишга уринишлар тарихий истиқболга эга эмас, мустақил жумҳуриятлар яккаҳокимликдан иборат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни тубдан ўзгартиришни ўзларининг муштарак мақсадлари деб ҳисобламоқдалар.

Тўпланиб қолган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга доир комплекс чора-тадбирлар, меҳнат омилларини тубдан ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчиликни тугатиш, бозор иқтисодиётига ўтиш танг вазиятдан чиқишнинг чинакам йўлидир.

Биз бошқа минтақалардаги дастурий ишланмаларни ва тайёрлаб қўйилган тадбирларни чуқур ўрганиб ҳамда улардан энг қимматли ва фойдали жиҳатларини олиш билан бирга шунга асосланиб иш тутяпмизки, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш учун ўз ёндашувларимизни ишлаб чиқишимиз, унда жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий, нуфус ва миллий-тарихий хусусиятларни ҳар томонлама эътиборга олиш зарур бўлади.

Бозор воситасининг моҳияти ва мазмунини Ўзбекистон шароитига татбиқан амалий даражада чамалаш, уни жорий этишда учраши мумкин бўлган қийинчиликлар ва оқибатларни назарда тутиш, ўтиш даврининг салбий ижтимоий оқибатларини имкони борича камайтирадиган тадбирларни ишлаб чиқиш — умумий бурчимиздир.

Жумҳуриятда иқтисодиётни барқарорлаштириш учун кўп ишлар қилинмоқда. Бунга кўп жиҳатдан шу туфайли эришилдики, узоқ вақтдан буён янги иқтисодий муносабатларга жумҳурият аҳолисини унчалик азият чектирмай ва иқтисодиётни қийин аҳволга солмай бу қадар текислик билан ўтишни таъминлаш соҳасида зўр ғайрат билан иш қилиб келинди. Жумҳуриятда йиғилиб қолган муаммоларни амалий равишда ҳал этиш соҳасида танлаб олинган йўлнинг тўғрилиги аҳоли кенг қатламларининг қўллаб-қувватлаши билан, шунингдек халқ хўжалигидаги ва ижтимоий соҳадаги аҳвол билан ҳам тасдиқланмоқда. Гарчи умуман мамлакатнинг етакчи тармоқларидаги ва иқтисодиётидаги мураккаб вазият Ўзбекистон хўжалигини ривожлантиришга таъсир қилган бўлса ҳам, шунга қарамай, жумҳурият идоралари ва маҳаллий Советларининг, жумҳуриятдаги меҳнат жамоаларининг зўр ғайрат билан қилган ташкилий иши туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришни анчагина кўпайтиришга эришилди.

Умуман мамлакат иқтисодиётининг шу йил тўққиз ойи мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми камайишига йўл қўйилган бўлса, жумҳуриятда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 2,7 фоиз, шу жумладан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 7 фоиз кўпайди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 18,6 фоиз ошди. Буларнинг ҳаммаси шу давр ичида ҳосил қилинган миллий даромадни 8,7 фоиз кўпайтириш имконини берди. Жумҳуриятда эришилган бу силжишларни келгусида ҳам мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, бошқа кўпгина минтақалардан фарқли ўлароқ, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, шу жумладан чет элларга мол юбориш шартномавий мажбуриятларини бекаму кўст бажармоқда.

Айни вақтда, мамлакатдаги ишларнинг аҳволи умуман соғломлаштирилмаса жумҳуриятда кўрилаётган чора-тадбирлар етарли даражада самарали бўла олмаслиги мутлақо равшан.

Шу сабабли муқаррар қийинчиликларга сезгирлик билан қараш зарур. Бунда мазкур жараён қандай рўй бериши, уни қандай қилиб камроқ қийинчилик билан ўтказиш, иқтисодиётимиз тушиб қолган мушкул аҳволдан қандай қилиб чиқиб олиш тўғрисидаги масала бениҳоя муҳимдир.

Жумҳурият халқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиёти, бошқа минтақалар билан чамбарчас боғлиқлигини англаб, бутун Ўзбекистон ССЖ халқи янги Иттифоқ шартномасини ва бозор муносабатларига ўтиш дастурини тайёрлашга зўр манфаатдорлик ва диққат-эътибор билан қарамоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишига оид чора-тадбирлар бутун системасидан кузатилган асосий мақсад йўналиши қуйидагиларни назарда тутиши керак:

— Ўзбекистон аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжлари биринчи навбатда кўзда тутилишини, турмушни яхшилашнинг туб муаммолари ҳал этилишини, инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг мустаҳкам шарт-шароитлари ва кафолатларини вужудга келтиришни, унинг маънавий имкониятлари ҳар томонлама рўёбга чиқарилишини, миллий маданият, анъаналар ва урф-одатлар қайта тикланиши ва ривожлантирилишини сўзсиз таъминлаш;

— аввало, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни ошириш ва аҳолининг кам даромадли табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун шароит яратиш йўли билан давлат томонидан аҳолини ижтимоий жиҳатдан пишиқ-пухта ҳимоялашни таъминлаш;

— ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишини кескин жадаллаштириш, хўжалигимиз самарали ўсишига жўшқинлик бахш этиб, унинг кўрсаткичи фоиз ҳисобида эмас, балки баравар ҳисобида ифодаланиши учун мустаҳкам негизни вужудга келтириш;

— жами минерал-ёқилғи бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан, шу жумладан қишлоқ хўжалик хом ашёсидан имкони борича пухта ўйлаб ва фақат халқнинг манфаатини кўзлаб фойдаланилиши лозим. Ўтган йиллардаги хатолар такрорланишига асло йўл қўйиб бўлмайди, миллий бойликни ваҳшиёна талон-торож қилиш йўлидаги уринишларга мустаҳкам тўсиқ қўйилиши зарур. Бу бойлик бизнинг авлодимизгагина эмас, келгуси авлодларга ҳам хизмат қилиши, жумҳурият иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг мустаҳкам негизи бўлиши лозим;

— ишлаб чиқаришни ривожлантиришда базис тармоқларни ҳар томонлама юксалтиришга биринчи галда диққат-эътибор қаратилиши керак, бу тармоқлар Иттифоқ ва жаҳон бозорларида муносиб ўринни олиши учун энг яхши истиқболлар бор ва мазкур тармоқлар жумҳуриятнинг бутун иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш учун қудратли воситалар бўлиб қолиши мумкин;

— жумҳурият хўжалигини ривожлантиришнинг комплекслилигини ошириш, жумҳуриятимизда бемалол ишлаб чиқариш мумкин бўлган, аммо ҳозирги вақтда четдан келтирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қатъий чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Кўп миқдордаги иккиламчи воситалар ва ишлаб чиқариш чиқитларини ишга солишда туб бурилиш қилиниши керак. Ижтимоий соҳа қолоқлигини тугатиш, одамларнинг турмуши, маиший ва дам олиш шароитларини яхшилаш — бутун комплекс ривожланиш вазифасининг узвий қисми бўлади.

— Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар билан ва марказ билан ўзаро иқтисодий муносабатларини қайта қуриб, аввало Ўзбекистоннинг давлат ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилишни, жумҳуриятнинг ўз ҳудудидаги ер, минерал, хом ашё ва бошқа табиий ресурслардан, барпо этилган фан-техника ва ишлаб чиқариш имкониятларидан мустақил ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, жумҳуриятлар ўртасида баб-баравар мол айирбошлашни, янги Иттифоқ шартномаси асосида ССР Иттифоқи таркибида тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш;

— жумҳуриятнинг ташқи иқтисодий алоқаларини унинг мустақиллиги қоидаларига мувофиқ равишда ривожлантириш ва хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш. Жумҳурият жаҳон бозорига мустақил чиқиш учун суверен ҳуқуқларидан фойдаланишга қатъий аҳд қилган. Қўшма корхоналарни жадал барпо этишга, чет эллик шериклар билан самарали ҳамкорликка катта эътибор берилади.

Айниқса бозор муносабатларига киришнинг қийин ўтиш даврида халқнинг сўзсиз бирлиги, бутун турмушни яхшилашга биргаликда эришиш мумкинлигини юксак инсоний тушуниш йўли билангина шу мақсадларни амалда рўёбга чиқариш мумкин бўлади. Шу сабабли жумҳурият фуқароларини жипслаштириш, жумҳуриятда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг бир-бирини ўзаро ҳурматлаши, ўзбек халқининг ва жумҳуриятимиздаги бошқа халқларнинг тарихан ўзини оқлаган инсонпарварлик ва маънавий анъаналари ҳамда негизларини қайта тиклаш ва ривожлантириш бозор муносабатларини шакллантиришнинг зарур шарти бўлиб қолмоқда.

Жумҳуриятда бозор иқтисодиётига киришнинг ҳар бир киши турмушига дахлдор бўлган бениҳоя мураккаб тадбирларини амалга ошириш учун изчиллик билан, вазмин ёндашиш, бу жараён ҳар бир алоҳида босқичининг хусусиятлари ва ўзига хослигини эътиборга олиш керак бўлади. Шунга ишончимиз комилдирки, бу соҳада ҳаддан ташқари сусткашликка ҳам, телбаларча шошқолоқликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. **Жумҳурият ўз имкониятлари ва шароитларига мувофиқ равишда бозор муносабатларини шакллантиради ва бу ишда аввалги босқич тўла-тўкис амалга оширилгандан кейингина навбатдаги босқичга ўтилади.**

Аҳолини, айниқса унинг кам даромадли ва ночор табақаларини давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг пишиқ-пухта системаси, уларнинг тирикчилик минимуми, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар билан кафолатли таъминланиши тадбирлари комплекси бу йўлдаги биринчи қадам бўлиши керак. Навбатдаги босқичда молиявий аҳволни ва пул муомаласини соғломлаштириш, истеъмол бозорини нормаллаштириш, ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантириш ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш чора-тадбирлари системасини амалга ошириш лозим.

Шу даврда кўп укладли хўжаликни шакллантириш, яқин ўтмишда одат бўлган ишлаб чиқариш усулларини ва муносабатларини қайта тиклаш, виждонан ҳалол меҳнат билан пул топиш учун кенг шароит яратиш жараёни бошланади.

Янги замонавий тузилмалар — концернлар, ассоциациялар ва шу кабиларни шакллантириш иши давом эттирилади. Мол биржалари, тижорат банклари ва бозорга хизмат қиладиган бошқа бўғинлар кенг миқёсда ривожлантирилади.

Бозор ишлаб чиқариш-техника мақсадларига хизмат қиладиган маҳсулот билан ва халқ истеъмоли моллари билан мўл-кўл таъминланган сайин, ишлаб чиқариш-иқтисодий ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб борган сайин давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган бошқарув молиявий ва кредит сиёсати воситалари билан, иқтисодий бошқарувнинг бошқа усуллари билан алмаштирилади.

Бозор муносабатларига ўтиш ҳамда бозорни шакллантириш чора-тадбирларини амалга оширишнинг барча босқичларида инсонни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш жумҳурият давлат идораларининг ва бутун жамоатчилигининг диққат марказида бўлади.

## Ўзбекистон суверен давлатларнинг янгиланган Иттифоқида

Биз суверен давлатларнинг янгиланган Иттифоқи тарафдоримиз, бу Иттифоқ минтақалараро хўжалик алоқалари назоратсиз барбод бўлиши жараёнини тўхтатиб қолиш, иқтисодий бирлашув воситаларига сифат жиҳатдан янги негиз — ихтиёрийлик ва барча жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олиш воситаларини бахш этиш имконини беради.

Бозор муносабатларига ўтиш ва жумҳуриятларнинг фақат ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида иқтисодий бирлашиши орқали барча халқларнинг фаровонлигини таъминлаш, барча жумҳуриятлар ва минтақаларни уйғун равишда равнақ топтириш мана шу Иттифоқнинг мақсади бўлиши керак.

Жумҳуриятларнинг ва минтақаларнинг бозор муносабатларига ўтишидаги илк шароитларни тенглаштириб олиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб ишлаш Иттифоқ аъзолари чинакам тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг зарур шарти бўлиб қолиши керак. Минтақаларни ривожлантиришнинг умумиттифоқ манбаларидан пул билан таъминланадиган жамғармаси, ижтимоий ва халқ хўжалик дастурлари, янги структура ва инвестиция сиёсати бу сиёсатни амалга оширишнинг қуроли бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистоннинг етилган ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини бараварлаштириб олиб бориш, умумдавлат «Орол» дастурини ва минтақалараро бошқа дастурларни амалга ошириш учун Иттифоқ бюджетидан капитал маблағ олиш керак бўлади.

Орол денгизга туташ катта минтақа бошига тушган экология фалокати шу ерда истиқомат қилувчи миллионлаб кишиларнинг тақдири ва сиҳат-саломатлигига фожиали таъсир қилди ва оғир иқтисодий оқибатларга олиб келди. Шу сабабли Орол атрофидаги кулфат жумҳурият доирасидан ташқарига чиқади ва бутун Иттифоқ ҳамжамиятининг иштирокисиз аҳоли ижтимой-иқтисодий аҳволини қайта тиклаш вазифасини ҳал этишнинг ва Оролнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши олдини олишнинг мутлақо иложи бўлмайди.

## Мулкчилик муносабатларини қайта қуриш

Мулкчилик муносабатларини чуқур қайта қуриш кўзда тутилади, шундай қилмай туриб, жумҳуриятнинг амалий суверенитетини, хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг мустақиллигини, охир-оқибатда эса Ўзбекистон ССЖнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Бу жараёнлар хўжалик муносабатларида, аҳолининг ижтимоий тузилишида, унинг турли табақалари даромадлари ва мулкий ҳолатида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаражагини эътиборга олиб, иқтисодий номутаносибликка ва ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик учун мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига босқичма-босқич ўтиб борилади.

Табиий бойликлар, мол-мулк ва пул маблағлари, жумҳурият халқининг тарихий ва маданий бисотидаги буюмлар жумҳурият мулки эканини тасдиқлайдиган ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилиши ва қабул этилиши лозим. Шу билан бирга жумҳуриятнинг Иттифоқ билан ўзаро муносабатлари, шакллари ҳамда шартлари регион ҳудудида Иттифоқ корхоналарининг ишлаётганини ҳисобга олиб белгиланади.

Жумҳурият мулки ва коммунал мулк бўлган йирик давлат корхоналари ва ташкилотларини акционерлаштириш жараёни билан бир вақтда Иттифоққа бўйсунувчи корхоналарни, биринчи навбатда жумҳурият ресурсларидан фаол фойдаланадиган ва асосан жумҳурият бозори учун ишлайдиган корхоналарни жумҳурият мулкига топшириш жараёни амалга оширилади.

Майда корхоналар, энг аввало аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида, меҳнат жамоаларининг сотиб олиши, хусусий кишиларга сотиш, шунингдек янги жамоа ва ширкат шаклларини таъсис этиш, кордонликни ривожлантириш ҳуқуқи билан ижара асосида давлат тасарруфидан чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган деҳқончиликнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, мулкчилик шаклини ўзгартириш асосан мулкка эгалик қилишнинг кооператив мазмунини тиклаш, жамоа хўжаликлари мулкини тасарруф этиш ва фойдаланиш билан боғланмоқда.

Бизнинг қатъий мавқеимиз шундан иборатки, жумҳуриятнинг на замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, на тарихий анъаналари ерга хусусий мулкчиликни жорий этиш масаласини ўртага қўйишга имкон беради.

Бунда ижара шароитида, жумладан мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижара олиш шароитида, деҳқончилик қилишни истаган ва бунинг учун қобилияти бўлган ҳар бир кишига томорқа ажратиб бериш шароитида шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожланади, уларнинг якка тартибда маҳсулот етиштирувчилар уюшмасига бирлашишлари учун барча шарт-шароит яратилади.

Кичик кордонликнинг фаоллиги ижарачилар, ширкатчилар, шахсий кордонлар уюшмаларини тузиш, улар маҳсулотларининг рақобат қилиш қобилиятини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, бозорни моллар билан тўлдириш ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида рағбатлантириб борилади.

Тарихий тажриба яқин вақтларгача ҳунармандлар, артелчилар, ҳунармандчилик ширкатлари бўлганлигини, улар мутлақо асоссиз равишда йўқотилганини кўрсатмоқда, ҳатто ҳар бир маҳаллада, қишлоқда ямоқчилар, кулоллар, ойна солувчилар, қандолатчилар ва бошқа усталар бўлган.

Ана шу анъаналарни қайтадан тиклаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқ ҳунармандчилиги ва бадиий ҳунармандчиликни тиклаш ҳамда ривожлантириш халққа унинг миллий маданиятини ва анъаналарини қайтаришга имкон бериб гина қолмай, иш билан таъминлашни ошириш, оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатиш учун шарт-шароит ҳам яратади.

Майда ва якка кордонларнинг меҳнат шароитини ҳисобга олиб, уларнинг нормал фаолияти учун замин яратувчи қонуний кафолатлар ва молиявий имтиёзлар кўзда тутилиши лозим.

## Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

Бозор муносабатларини авж олдириш босқичида корхоналарни асосий шартга риоя этган ҳолда хусусийлаштириш кўзда тутилмоқда: миллий бойликнинг асосий турлари Ўзбекистон ССЖнинг фақат давлат мулки бўлиб қолади, бу эса ижтимоий манфаатларга риоя қилиш талабларидан келиб чиқади. Ер, ўрмон, ер ости бойликлари ва бошқа табиат ресурслари, давлат иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини, хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлашни, давлат бошқаруви вазифаларини бажаришни, шунингдек Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий қадриятларини (меъморий ва ўзга маданий ёдгорликларни, музей тўпламаларини ва бошқаларни) сақлашни таъминлайдиган мол-мулк ва молиявий активлар ана шулар жумласидандир.

Хусусийлаштириш жараёнини мутлақо меҳнат жамоалари манфаатларини кўзлаб, ушбу жараённи майда ва ўргача корхоналар мисолида босқичма-босқич синаб кўриш асосида амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жумҳурият қонунларига мувофиқ равишда қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилади:

— хусусийлаштириш чоғида аҳоли барча табақалари томонидан кенг ижтимоий назорат қилиш ва ошкоралик, мол-мулкни жамоа ва шахсий мулк сифатида сотиб олиш чоғида даромадларни, унинг манбаларини кўрсатиш;

— меҳнат жамоаси, турли ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг давлат мулкини сотиб олиши ва ижарага олишининг ихтиёрийлиги;

— корхонанинг акциялари ёки мулкини сотиб олишда, шунингдек уни ижарага олишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ташаббусини бошлаган меҳнат жамоаси устунлигини таъминлаш;

— мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишда жумҳурият ва маҳаллий идоралар манфаатдорлигини ва уларнинг ташаббускорлигини таъминлаш;

— бошқарув ва мулк вазифаларини ажратиб қўйиш;

— монополияларни тугатиш йўлини тутиш.

Ўзбекистон ССЖ маҳаллий шароитларида унинг ишлаб чиқариш имкониятлари тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, корхоналарнинг катта-кичиклиги, шунингдек фондларнинг техникавий ҳолати ва уларнинг ҳудудий жойлаштирилиши таркибий жиҳатдан хилма-хиллиги билан ажралиб туришини ҳисобга олиб, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга турлича ёндашмоқ зарур.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига ана шундай ёндашувлар амалда қуйидаги шаклларда рўёбга чиқарилади:

— корхоналарни, энг аввало, майдаларини ва бошқа давлат мулкини ижарага топшириш (шу жумладан, кейинчалик уни сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага топшириш);

— зарар келтирадиган, жисмоний ва маънавий эскириб қолган корхоналарни ҳамда цехларни текинга бериш ёки имтиёзли шартлар билан сотиш;

— давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириб, акцияларини совет ва чет эл ҳуқуқий шахсларига ҳамда фуқароларга сотиш.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг аниқ йўллари ва шаклларини ҳамда унинг миқёсларини жумҳурият ҳудудида ана шу мулкнинг эгаси — Ўзбекистон ССЖ ва маҳаллий кенгашлар танлайди.

## Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг давлат воситаси

Жумҳуриятда халқ хўжалигининг бозор муносабатларига ўтиши чоғида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари алоҳида эътибор билан ишлаб чиқилмоқда. Ана шу даврнинг салбий ижтимоий оқибатларини мумкин қадар юмшатиш, жумҳуриятнинг маҳаллий, нуфус ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, халқнинг турмуш даражаси бирданига пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг давлат системаси воситаси қуйидаги асосий жиҳатлардан таркиб топади:

аҳолининг камбағал ва ижтимоий жиҳатдан заифроқ табақалари учун имтиёзлар, афзалликлар, нафақалар;

пенсия таъминоти, камбағал ва кўп болали оилаларга нафақалар ҳамда ўқувчиларга стипендиялар тўлаш соҳасида давлат ижтимоий кафолатлари;

меҳнат ва яшаш шароитлари билан боғлиқ имтиёзлар;

аҳолининг белгиланган даромадларини сақлаб туриш мақсадида нархлар ва даромадларни индекслаш;

вақтинча ишдан маҳрум бўлган аҳолига янги касбни ўрганиш, жамоат ишларида фойдаланиш тарзида давлат йўли билан ёрдам бериш, шунингдек ишсизлик нафақалари тарзида ёрдам бериш;

жумҳуриятнинг барча аҳолиси учун меҳнат қилиш, дам олиш, уй-жойли бўлиш, пулсиз таълим олиш ва тиббий хизматдан фойдаланишнинг кафолатланган ҳуқуқлари;

бутун аҳоли учун мулкчиликнинг барча шаклларида ва хўжалик фаолиятининг натижаларидан қатъи назар, малакасига қараб, меҳнат ҳақининг табақалаштирилган энг кам миқдорини олиш ҳуқуқига кафолат берилиб, иқтисодий фаолият ва кордонлик эркинлиги.

Жумҳуриятда давлатнинг бевосита ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган аҳолининг учта асосий гуруҳи мавжуд:

— бу гуруҳларнинг энг кўп сонлиси — 16 ёшгача бўлган болалар бўлиб, ана шу ёшлар бутун аҳолининг салкам 40 фоизини ташкил этади;

— сон жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган гуруҳ ишламайдиган пенсионерлар ва ногиронлар (икки миллион кишидан кўпроқ), шунингдек юз минг нафарга яқин бошқалар қарамоғидаги катта ёшдаги кишилардир;

— учинчи гуруҳга ҳаётининг асосий мақсади ва мазмуни соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўлган 430 минг нафар кўп болали оналарни киритиш керак;

— тўртинчи гуруҳга олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларида кундузи ўқийдиган 500 мингга яқин ўқувчи киради.

Аҳолининг ана шу тўртта гуруҳига нисбатан ўтказиладиган сиёсат бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг давлат воситасини яратишда жумҳурият умумий ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятда аҳолининг кам таъминланган табақаларини амалда ҳимоя қилишга доир ишлар собитқадамлик билан олиб борилмоқда.

Жумҳурият Президенти ва ҳукуматининг соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маориф ва маданият ходимлари ижтимоий аҳволини яхшилашга доир бир қанча қарорлари қабул қилинди.

Кўп болали оналарнинг нафақалари кўпайтирилди, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

1990 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари оширилди.

Жумҳурият умумий ижтимоий сиёсатини ўтказиш доирасида ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг камбағал табақалари турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида болаларга, ишламайдиган пенсионерларга, ногиронларга, ҳар бир киши ҳисобига даромадлари кам миқдордаги оилаларда бошқалар қарамоғида яшовчи меҳнатга лаёқатсиз ёшдагиларга озиқ-овқат билан, тиббий ва бошқа ёрдам бериш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**(Давоми учинчи бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ҚОИДАЛАРИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ана шу тадбирларни амалга ошириш учун жойларда махсус хизматларни ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларига ёрдам кўрсатувчи жамоат комиссияларини тузиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолига ижтимоий ёрдам беришнинг тегишли давлат воситасини барпо этиш орқали ва жумҳуриятнинг тегишли қонунларини қабул қилиб амалга ошириш режалаштирилмоқда. Энг кам миқдордаги истеъмол бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жумҳуриятнинг ана шу қонунлари учун асосий замин бўлади. Энг кам миқдордаги истеъмол бюджети кун кечириш учун зарур бўлган маблағлар энг кам миқдорини кўрсатади ва озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий хизмат, маориф, маънавий соҳада биринчи навбатдаги эҳтиёжлар қаноатлантирилишига кафолат беради.

Якка тартибда уй қуриш, чорва моллар, маданий-маиший моллар ва узоқ муддат ишлатиладиган хўжалик моллари (шахсий транспорт воситалари, заргарлик буюмлари ва бошқалардан ташқари) сотиб олиш учун ссуда (қарз) ажратишда имтиёз бериш камбағалларга ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

Бозорга ўтиш чоғида жумҳуриятда кўп болали оилаларга, болали оилаларга ва камбағал аҳолига ёрдам беришнинг давлат ижтимоий дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Аҳоли ночор табақаларининг озиқ-овқат, уй-жой ва тиббий хизматга ҳаётий муҳим эҳтиёжлари ана шу дастурлар орқали қаноатлантирилиши таъминланади.

Ана шу дастурларни амалга оширишда маҳаллий даражада тузиш кўзда тутилаётган махсус хизматлар, шунингдек жамоат, хайрия ва диний ташкилотлар катта ёрдам беради. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий дастурларни амалга оширишда ижтимоий жараёнларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, аввало кам таъминланишнинг, ишсизлар сонининг ўзгаришини, нарх ўзгаришини, аҳолининг ҳақиқий иш ва даромадлари ўзгаришини ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланадиган махсус ҳисоб идоралари алоҳида ўрин тутади.

Тармоқ ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қўшимча маблағларни талаб қилади, бу эса уларни тайёрлашни ташкил этиш чоғида устун йўналишларни пухта танлаб олиш зарурлигини тақозо этади. Ислоҳотни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида аҳолининг камбағал ва кам таъминланган табақаларига ёрдам беришнинг талонлар ёки купонларни тақсимлаш асосида уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек зарур бўлган ҳолларда кундалик эҳтиёж молларини натура ҳолида бериш чораларини ўз ичига олувчи махсус дастурлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кўп болали оилаларга ёрдам беришга қаратилган дастурлар алоҳида ўрин тутиши лозим, бу эса жумҳурият шароитида жуда муҳимдир. Бу соҳада ҳозиргача бир қанча чоралар кўрилди. Аввало кўп болали оналарга нафақаларни ошириш, болаларга қараш учун ҳақ тўланадиган отпускани узайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш режалари амалга оширила бошланди. Бу режалар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга доир ташкилий, иқтисодий ва техникавий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ўтиш даврида аҳолининг, айниқса яхши ҳимоя қилинмаган табақаларнинг ижтимоий кафолатлари воситасини яратиш вазиятни яхшилашда бош масаладир. Аниқ қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳозиргача эълон қилинган ижтимоий дастурларнинг тўхтатиб қўйилиши, турмуш даражасининг янада пасайиши амалда аҳолининг деярли ярмисини чидаб бўлмайдиган шароитга маҳкум этиш ва одамларнинг ҳаққоний ғазабини уйғотиш бўлур эди. Шунинг учун жумҳурият Иттифоқ идораларида тайёрланаётган бозорга ўтиш дастурини изчил амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти сифатида аҳоли камбағал табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни талаб қилмоқда.

## Аҳолини иш билан таъминлаш

Ўзбекистон иқтисодиётига бозор муносабатларини жорий этишнинг самарадорлиги ҳар бир кишининг кўнгилли равишда меҳнат қилиш ҳуқуқини, иш жойини, меҳнат сарфлайдиган ерини эркин танлаш, мулк шакллари, меҳнат, касб-кор ва жумҳуриятнинг меҳнат имкониятларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш учун шарт-шароит яратадиган иш режимини эркин танлаш ҳуқуқини таъминлайдиган омиллар ҳамда тегишли қонун ҳужжатларининг қай даражада ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқдир.

Кейинги йилларда ҳам аҳолининг ҳамда меҳнат ресурслари ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолади, шу муносабат билан ҳозирги вақтда ишламаётган ва меҳнат қилиш ёшига етганларни ҳам, бозор омиллари жорий этилиши таъсири остида халқ хўжалиги тармоқларидан бўшатиб олинаётган кишиларни ҳам иш жойлари билан таъминлашга доир тадбирлар амалга оширилади.

Ҳисоб-китоблар махсус тадбирларсиз Ўзбекистонда ўтиш даврида ишсизлар сони анча кўпайиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тусдаги тадбирлар мажмуини рўёбга чиқариш назарда тутилмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССЖ Қонуни асосий ҳужжат сифатида қабул қилинади. Унда фуқароларнинг ўзи хоҳлаган ишларини танлаш, ишга кириш ёки профессионал қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда давлат кафолати, шунингдек ишсизнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, унга тегишли нафақа тўлаш шартлари ва миқдорлари белгилаб қўйилади.

«Иш билан таъминлаш» давлат жумҳурият дастури ишлаб чиқилган тадбирларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унда аҳолини иш билан таъминлашни кучайтиришга, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни ҳисобга олиб, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган истиқбол режалари белгилаб берилган.

Ташкилий тадбирлар сифатида жумҳуриятнинг барча шаҳар ва районларида иш билан таъминлашнинг ягона давлат хизматини ташкил этиш мўлжалланган. Ушбу хизмат зиммасига фуқароларни ишсизликдан (бунга касб-кор ўрганиш, бўшатиб олинаётган ишчи кучларни қайта тайёрлаш, уни ишга жойлаштириш, ишсизларга нафақа тўлаш ҳам киради) ҳимоя қилишнинг барча масалалари юклатилган.

Иш билан таъминлаш ва жумҳурият халқ хўжалиги тузилмаларини қайта қуриш муаммосини ҳал этиш доирасида иккита бир хил масалани ечиш керак бўлади:

ҳозирги замон техникавий даражасида ўзгарувчан ишлаб чиқаришга эга бўлган, бозордаги аҳволни тез эътиборга оладиган ва жумҳурият учун зарур рақобат қобилиятига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарадиган чоғроқ корхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш;

мазкур корхоналарда ишлаш қобилиятига эга бўлган моҳир мутахассислар тайёрлашни уюштириш ва уларни бошқариш, бунинг учун жумҳуриятимизда ҳам, мамлакатимизнинг етакчи марказларида ҳам, хорижда ҳам кадрларни ўқитишнинг барча имкониятлари ишга солишини лозим.

Иш билан таъминлаш дастурида ёшларга ҳунар таълими беришни ташкил этишни яхшилаш, кадрлар тайёрлаш тузилмаларини такомиллаштириш ва уни халқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали ишчилар ҳамда мутахассисларга бўлган эҳтиёжи билан мослаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Бу эса бозор иқтисодиётини жорий этиш жараёнини анча тезлаштириш ва самарадорлигини оширишга имкон беради.

Аввалги даврлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий, фойдали меҳнатнинг турлари анча кенгайтирилди, булар қаторига қуйидагилар киритилган:

барча турдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда тўла ва тўла бўлмаган иш вақти шароитида ишлаш;

фуқароларнинг қўшма корхоналарда, Ўзбекистон ССЖдаги халқаро ва хорижий ташкилотларда ҳамда чет мамлакатларда ишлашлари;

СССР Қуролли Кучларида, чегара, ички, темир йўл қўшинларида, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар идораларида хизмат қилиш;

якка тартибдаги меҳнат фаолияти;

якка тартибдаги деҳқон (фермер) хўжаликларида ишлаш;

шахсий ёрдамчи хўжаликда ишлаш;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда профессионал тайёргарлик, қайта тайёргарлик кўриш ва малака ошириш.

умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида кундузги ўқиш, кундузги ўқишнинг бошқа турлари;

ўз фаолиятини Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ амалга оширадиган жамоат ташкилотлари ва диний муассасаларда иш билан банд бўлиш.

Ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилишнинг айтиб ўтилган тадбирлари орасида вақтинчалик ишламаётгани учун нафақа тўлаш асосий тадбирлардан ҳисобланади. Бунда нафақа миқдори табақалаштирилади.

Шу мақсадда касб-кор ўргатиш ва иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш жумҳурият жамғармасини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда. Мазкур жамғарма корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар фойдасидан олинаётган тўловлар ҳисобидан тузилади. Корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар мулк ва хўжалик юритиш, иш билан таъминлаш воситалари шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларга пулли хизмат кўрсатгани учун олаётган фойдасидан, совет ва чет эл корхоналарининг, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг кўнгилли бадаллари ҳамда бошқа тушумлардан ташкил топади.

Жумҳуриятимизда Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб, ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга ва уни амалга оширишга киришдилар. Бу ҳаракат дастури аҳолини, айниқса унинг камбағал табақаларини ижтимоий жиҳатдан сўзсиз ҳимоя қилишга қаратилган.

Жумҳуриятда бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар кенг доирасини кооператив, ижара ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш юзасидан аниқ бир мақсадга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, район саноат комбинатларини тузиш айни вақтда ишсизликни камайтиришга ва одамларни иш билан кўпроқ банд қилишга кўмаклашади.

Бугунги кундаёқ кўп жиҳатдан ана шу барча тадбирлар туфайли, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя этишга нисбатан талабларни кучайтириш сабабли жумҳуриятимиз бу йил кўпгина минтақалар учун хос бўлган кескин иқтисодий сусайишдан ҳоли бўлишига ва саноатда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмларини, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини муайян даражада кўпайтиришига муваффақ бўлинди.

## Молия ва кредит

Жумҳурият давлат бюджетини мувофиқлаштириш вазифаларига асосланган ҳолда молия-кредит сиёсатини ўтказиш, уни шакллантириш, назаримизда қуйидаги принципиал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

ўтиш даврида вақтинчалик тадбир сифатида янги омилларни ҳисобга олиб, кейинги йилларда юзага келган нисбатларга асосланиб, оборот солиғидан бюджетга ўтказиладиган ҳисса табақалаштирилади;

жумҳурият бюджетига қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, барча корхоналарга Қонунда тасдиқланган ставкага мувофиқ фойдадан келадиган тушумларни киритиш зарур;

Жумҳуриятда эркин сотиш учун ишлаб чиқариладиган хом ашё ресурсларининг қарийб 40 фоизи жумҳуриятда қолдирилади. Уларни сотиш бўйича шартнома нархларида эса оборот солиғи ҳисобга олинади.

1991 йил бюджет лойиҳасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида олинадиган даромадлар режалаштирилган, марказлашмаган капитал маблағларни пул билан таъминлаш манбаи сифатида эса тугалланмаган қурилишларни, товар-материал бойликларининг нормадан ташқари запасларини ва ўрнатилмаган ускуналарни сотишдан тушадиган маблағлар назарда тутилган, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш жамғармаларининг қолдиқларидан ҳам фаол фойдаланилади.

Мустақил молия сиёсатини амалга ошириш мақсадида молия бозори ташкил этилмоқда, корхоналарнинг бўш қолган молиявий маблағларидан иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш вазифаларини амалга ошириш ниятида тижоратчилик билан фаол фойдаланиш унинг иқтисодий асоси бўлади. Турли хил қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, облигациялар, ҳазина мажбуриятларини, тижорат векселларини қўлланиш ҳам назарда тутилмоқда.

## Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро муносабатлари

Жумҳурият мустақиллиги қарор топаётган ва бозорга ўтилаётган шароитда Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар ва Иттифоқ билан ўзаро муносабатлари батамом ўзгаради.

Янги Иттифоқ шартномаси ишлаб чиқилиши чоғида, жумҳуриятнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини кучайтириб, давлатнинг яхлитлиги ва мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ ваколатларнинг муайян доирасини Иттифоққа ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айни вақтда федерациянинг ва ўзаро фойдали хўжалик алоқаларининг барбод бўлишига йўл қўймаслик, яшашга қодир умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш муҳимдир. Мазкур бозорда барча иттифоқдош жумҳуриятлар тенг ҳуқуқли, мустақил шериклар бўлур эдилар.

Қуйидагилар Иттифоқнинг алоҳида иқтисодий ҳуқуқлари ва юмушлари бўлиши мўлжалланмоқда:

иттифоқнинг мудофаа қобилиятини сақлаб туриш, давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш учун иқтисодий шарт-шароит яратиш;

мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг истиқболли прогнозларини ишлаб чиқиш, умумиттифоқ аҳамиятига молик йирик халқ хўжалик режаларини тайёрлаш ва амалга ошириш; сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган, келишиб олинган кредит-пул ва валюта сиёсатини амалга ошириш. Иттифоқ ичида пул ресурсларининг ҳаракати чекланишига йўл қўймаслик;

умумиттифоқ бозорининг муҳофаза этилишини таъминлайдиган ягона божхона қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Келишиб олинган моллар мажмуасининг Иттифоқ ичидаги ҳаракати йўлида квоталар, чеклашлар ёки божхона тўсиқларидан фойдаланишга йўл қўймаслик;

умумиттифоқ миқёсида хом ашё, маҳсулот, моллар ва хизматлар асосий турлари нархини тартибга солиш, буларнинг доирасини субъектлар ихтиёрий равишда Иттифоқ тасарруфига топширадилар;

ташқи иқтисодий стратегияни ишлаб чиқиш. Умумиттифоқ валюта фондини вужудга келтириш ва ундан фойдаланиш, ССР Иттифоқининг халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларини бажариши;

аҳолининг экология хавфсизлигини таъминлаш юзасидан умумиттифоқ аҳамиятига молик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, фуқаролар таъминоти ва ишсизлик учун нафақалар тўланадиган жамғармани вужудга келтириш соҳасидаги сиёсатни рўёбга чиқариш юзасидан умумиттифоқ аҳамиятига молик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

минтақалар тараққиёти даражасини бараварлаштириш, умумиттифоқ бозорини ташкил этиш ва унинг ишлаши қоидаларини белгилаш. Иттифоқдаги алоҳида субъектларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан Иттифоқдаги ўртача даражадан 25 фоиздан кўпроқ орқада қолишига йўл қўймаслик;

ягона патент ва метрология хизматини, ягона вақт, ўлчов ва вазн хизматини ташкил этиш, умумиттифоқ стандартларни белгилаш ва халқаро стандартларни жорий этиш, умумиттифоқ ҳисобини ва бухгалтер ҳисобининг ягона системасини ташкил этиш;

ўз хусусиятига кўра, Иттифоқ миқёсида ягона раҳбарликни талаб этадиган фаолият доиралари ва аниқ мақсадга мўлжалланган режаларни бошқариш, булар эса қуйидагилардан иборатдир:

энг муҳим фундаментал тадқиқотлар;

мудофаа дастурлари;

ягона энергетика системаси;

магистрал темир йўл ва қувур транспорти;

атом энергетикаси;

космик системалар ва тадқиқотлар;

умумиттифоқ алоқа, ахборот ва информатика системаси;

фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва шундай ҳолатларда ҳаракат қилишнинг давлат умумиттифоқ системаси;

СССРнинг ташқи сиёсатини белгилаш, СССРнинг халқаро шартномаларини тузиш, халқаро муносабатларда СССРнинг вакиллик қилиши;

иттифоқдош жумҳуриятлар билан келишиб олиб, Иттифоқ бюджети маблағларидан хорижий давлатларга давлат заёмлари ва иқтисодий ёрдам бериш, чет эл манбаларидан ССР Иттифоқи оладиган давлат заёмлари ва кредитлари тўғрисида битимлар тузиш;

мустақил Совет Жумҳуриятлари Иттифоқининг суверенитети ва территориал яхлитлигини ҳимоя қилиш, мудофаани ташкил этиш, СССР Қуролли Кучлари ва разведка хизматига, СССР чегара қўшинларига раҳбарлик қилиш. Темир йўл қўшинларини бошқариш ва ички қўшинлар, божхона хизматини мувофиқлаштириш иттифоқдош жумҳуриятлар билан биргаликда ва улар билан келишиб олиб, амалга оширилади;

иттифоқдош жумҳуриятлар ўзаро баҳсларни ҳал этиш хусусида ССР Иттифоқининг махсус ваколатли идораларига мурожаат қилган тақдирда, мазкур масалаларни ҳал этиш;

жамоат тартибини сақлаш асосларини белгилаш.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар биргаликда олиб борадиган соҳага фуқаролик, хўжалик, ер, ўрмон, сув, кон, жиноятчилик, меҳнат-аҳлоқ тузатиш, молия, меҳнат ҳақидаги қонунларнинг, ижтимоий ва пенсия таъминоти тўғрисидаги, фуқароларнинг ижтимоий бирлашмалари ҳақидаги, суд тузилиши тўғрисидаги ва судни олиб бориш ҳақидаги, маориф ва соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг асосий негизларини белгилашни киритиш лозим бўлади.

Ўзбекистон ССЖ ўз ҳудудида иқтисодий мустақиллигини амалга оширишда ўзининг олтин, кумуш ва бошқа нодир ва рангли металлар, маъдан конларидан, шунингдек, шулар асосида Ўзбекистон ССЖда тайёрланаётган маҳсулотдан фойдаланиш ва тасарруф этишда мутлақо мустақил сиёсат юритади.

Олтин нархи жаҳон ва Иттифоқ нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши керак, деган масала қўйилмоқда. Ўзбекистон ССЖда қазиб олинаётган олтиннинг муайян қисмидан жумҳурият заргарлик буюмлари тайёрлашда фойдаланади ва жумҳуриятга эркин муомаладаги валюта тарзида қайтарилади.

Жумҳуриятда тайёрланган пахта толаси учун Иттифоқ давлат фондининг умумий салмоғи белгилаб берилиши ва аста-секин бу салмоқ камайиб бориб, эркин нархда мустақил тарзда сотишга ўтилиши керак. Давлат буюртмасига кўра, жумҳуриятнинг асосий маҳсулоти — пахта толаси етказиб берилиши эвазига жумҳуриятга гўшт ва сут маҳсулотлари, қанд-шакар ва бошқа молларни тенг ҳуқуқли негизда етказиб туришга кафолат берилиши керак.

Сув хўжалиги соҳасида мелиорация ишлари ва бошқа ишларга маблағ ажратиш муаммосига алоҳида тўхтаб ўтиш керак. Барча маданиятли мамлакатларда суғориладиган деҳқончилик федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу қоида яна шунинг учун ҳам муҳимки, пахтачилик, пиллачилик ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бошқа етакчи тармоқлари кўзга яққол кўриниб турган умумиттифоқ тусидадир.

## Ташқи иқтисодий сиёсат

Халқаро меҳнат тақсимотида жумҳурият мавқеининг анча ошганлиги, хорижий давлатлар билан бевосита ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жумҳурият зиммасига ташқи иқтисодий сиёсатнинг мустақил стратегиясини ўтказишни юклайди, булар қуйидагилардир:

енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат, машинасозлик, химия, рангли металлургия учун хориждан келаётган молларни монополиядан холи этиш ва саноат экспорти негизи учун пойдевор яратиш;

— туризм инфраструктурасини ривожлантириш;

— аввало, енгил ва озиқ-овқат тармоқларида (кичик корхоналар сифатида) машинасозликда (йўл қурилиши машиналари, қайта ишлаш саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш), савдо ва хизмат соҳасида қўшма корхоналар барпо этиш;

— эркин кордонлик зоналарини яратиш;

— хом ашёни чиқаришдан саноатнинг тайёр молларини ва обдон қайта ишланган маҳсулотни экспорт қилишга ўтиш.

Ана шу стратегик мақсадларни амалга ошириш учун мустақил «ташқи бозор» режаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу режанинг асосий қисмлари ва бўлимлари қуйидагилардир:

— Ўзбекистон ССЖнинг ташқи иқтисодий алоқалари бошқарув органлари структурасини ўзгартириш;

— ташқи итисодий фаолиятнинг устун йўналишларини белгилаш;

— қўшма корхоналарни оқилона жойлаштириш;

— халқаро туризмни ривожлантириш;

— валюта билан ўзини ўзи таъминлаш воситасини ишлаб чиқиш;

— кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

— Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатларда ташқи иқтисодий ваколатхоналарини очиш;

— ҳамкорлик учун хорижий мамлакатларнинг устун регионларини аниқлаш.

Ўзбекистон ССЖ ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятида хорижий давлатлар билан мустақил муносабат ўрнатади, улар билан шартномалар, жумладан, инвестицияларни ўзаро муҳофаза этиш тўғрисида шартномалар тузади, ўзаро савдо ва консуллик ваколатхоналари очади, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида мустақил қатнашади, божхона иши, божхона солиғи қоидаларини ва Ўзбекистон ССЖнинг божхона ҳудудидаги тўловларни белгилайди, чет эл давлатлари билан кредит-молия операцияларини амалга оширади, шу жумладан ўзи мустақил тарзда заёмлар ва ёрдам беради ҳамда заёмлар ва ёрдам олади, чегараолди савдосини амалга оширади, чет эл фирмалари, халқаро корхоналар ва ташкилотлар иштирокидаги қўшма корхоналарни қайд этади, жумҳуриятнинг валюта фондини вужудга келтиради ва ундан фойдаланади, экспорт ва импорт маҳсулотни лицензия қилади ва нормасини белгилайди, Ўзбекистон ССЖ чегарасидан ўтаётган эълон қилинадиган моллар ва бошқа мулк рўйхатини белгилайди, ташқи иқтисодий фаолиятни суғурта қилади, валюта ва қимматбаҳо қоғозлар биржаларини очади.

Юқорида айтиб ўтилган йўналишларнинг энг муҳимларидан бир қанчаси ҳозирдаёқ рўёбга чиқарилди. Чунончи, жумҳуриятда ташқи иқтисодий алоқалар структураси қайта ташкил этилди, Ўзбекистон ССЖ Давлат ташқи савдо алоқалари комитети, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банки ва бошқа ташкилотлар тузилди. Уларнинг мақсади — жумҳуриятнинг ташқи иқтисодий алоқаларда тўла иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ички хўжалик воситаси билан жаҳон бозори воситасининг мувофиқлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолиятда деҳқончилик — саноат комплексининг маҳсулотларни қайта ишловчи тармоқларига, чегара савдо-сотиғини ривожлантиришга, регионал ресурсларни, қурилиш индустриясини, ижтимоий соҳани ривожлантиришга, илм-фан ютуқларига таянадиган тармоқларга, транспорт-экспедиторлик хизмати ягона системасини вужудга келтиришга ва шу сингариларга устун даражада аҳамият берилади.

Жумҳуриятнинг ташқи иқтисодий алоқаларини жадал ривожлантириш мақсадида банк ва пул-кредит системасини такомиллаштириш кўзда тутилади. Ҳозирги мавжуд банклар ташқи иқтисодий операцияларга жадал маблағ сарфлашни, жумҳурият валюта маблағларини жамлашни ва тақсимлашни таъминлай олмаяпти. Шунинг учун валюта ҳисоби очиш ҳуқуқига эга бўлган тижорат банклари тармоғини вужудга келтириш таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга қуйидагилар белгиланган:

— жумҳуриятда божхона тармоғини ва божхона маълумотларига асосланган ташқи иқтисодий ҳисобни вужудга келтиришни тугаллаш;

Ахборот, маркетинг ва транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш юзасидан тижорат асосида бирлашмалар (фирмалар), шунингдек ташқи алоқага хизмат кўрсатувчи суғурта, реклама кампанияларини ташкил этиш;

— Тошкент шаҳрида фирмаларнинг ваколатхоналари бўладиган халқаро савдо марказини, шунингдек жумҳуриятда ишлаб чиқариладиган моллар сотиладиган халқаро ярмаркалар учун кўргазмалар комплексини қуриш;

— жумҳуриятда эркин иқтисодий зоналар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш;

— чет эл фирмалари билан, айниқса сермеҳнат тармоқлар, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда жумҳуриятда етиштириладиган хом ашё ва ресурслардан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасида қўшма корхоналар ташкил этишни кенгайтириш.

Хом ашё моллар экспортини камайтириш, уларни озиқ-овқат маҳсулоти, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон, тиббиёт ускуналари ва шу сингариларни ишлаб чиқариш билан банд бўладиган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда уларни иш билан таъминлаш учун юбориш кўзда тутилади. Бунда валюта тушумларининг жумҳурият учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, дастлабки босқичда минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг бир қисмидан экспорт моллари сифатида фойдаланиш истисно этилмайди.

Ташқи савдо ва хорижий алоқалар учун кадрлар тайёрлашга муҳим аҳамият берилади. Ташқи савдо, менежмент, маркетинг, реклама, банк ишлари, чет тиллар соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун жумҳуриятда ўқув юртлари (лицейлар, техникумлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш илмгоҳлари, тижорат мактаблари) тармоғини вужудга келтириш кўзда тутилади, ўқиш ва иш ўрганиш мақсадида жумҳуриятдан кадрлар юбориш учун чет эллардаги шунга ўхшаш муассасалар билан доимий алоқа ўрнатиш мўлжалланади. Бу иш корхоналар ва ташкилотлар ҳисобига (тижорат асосида), шунингдек жумҳурият давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланади.

## Жорий йилни тугаллаш ва 1991 йилда жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг йўналишларини шакллантиришга оид биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида

Шу йилнинг тугалланаётган даври ва 1991 йил мамлакат ҳамда жумҳурият учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлади. Агар иқтисодиётда вазиятнинг мушкуллашиши ҳозирги суръатларда давом этса, кўпгина минтақаларнинг аҳволи оғирлашиб, улар бозор иқтисодиётига ўта олмайдилар. 1991 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга мувофиқлаштирилган ёндашувларни ҳеч кечиктирмай ишлаб чиқиш, таркиб топган ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни, моддий-техника таъминоти ва маҳсулотни сотиш йўллари ҳамда шаклларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида амалий чоралар кўриш зарур.

1991 йилда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш юзасидан бизнинг Иттифоқ идораларига тақдим этган аниқ-равшан таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

Иттифоқдош жумҳуриятлар билан биргаликда қисқа муддатда етакчи халқ хўжалиги комплексларида ишлаб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш ва кўпайтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилсин, бунда харидоргир маҳсулотларни кўпайтиришга рағбатлантиришни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин;

қисқа муддатда иттифоқдош жумҳуриятлар иштирокида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари, хом ашё ва маҳсулотни ўзаро етказиб бериш ҳажмлари аниқлансин ва бунда, одатдагидек, шу йилги даража сақлаб қолиниши назарда тутилсин;

1991 йилги бюджетни ишлаб чиқиш ва унинг йўналишлари тартиби айрим минтақалар ва жумҳуриятларнинг дастлабки шароитлари тенглаштирилишини ҳисобга олган ҳолда иттифоқдош жумҳуриятларнинг иштирокида узил-кесил белгилаб олинсин.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳадаги ўзаро алоқаларни келгуси йилда қандай таъминлаш, уларда умумиттифоқ эҳтиёжларини қондириш ҳамда хом ашё ва маҳсулотни эркин айирбошлаш қай даражада бўлишини ҳозирнинг ўзидаёқ аниқлаб олиш зарур. Биз ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмларини асосан шу йилги даражада сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Бунда айниқса деҳқончилик-саноат комплекси тармоқларида жумҳурият бюджетларини, лимитлари ва капитал маблағ манбаларини вужудга келтириш масалалари ҳам сўзсиз кўриб чиқилиши керак.

Жумҳурият ушбу масалаларни янги Иттифоқ шартномасини ва бозор муносабатларига ўтиш дастурини тайёрлаш, келгуси йил план ва бюджетини тузиш жараёнида қатъият ва изчиллик билан ҳал этади.

Шу билан бирга жумҳуриятимиз аҳолисининг ҳар бири ўзимиз учун барқарор вазият ва нормал шарт-шароитни сақлаб қолиш кўп даражада бугунги кунда қанчалик куч-ғайрат сарфлаётганлигимиз билан белгиланишини аниқ билиши зарур. Қандай қилиб бўлмасин, етиштирилган мўл пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини муваффақиятли йиғиштириб олишимиз, қишга сифатли озиқ-овқат ғамлашимиз ва ҳар томонлама тайёргарлик кўришимиз даркор. Йилнинг қолган даврида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг эришилган кўрсаткичлари пасайишига йўл қўймаслик ва келгуси йилнинг бошлариданоқ ишонч билан ишлашимиз учун яхши замин яратишимиз муҳимдир.

Жумҳурият халқи бозор муносабатларига ўтишда ўзгартишларни амалга ошириш шакллари, усуллари ва муддатлари Ўзбекистоннинг манфаатлари ҳамда шарт-шароитларига қараб белгиланишини билиши;

Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини амалда рўёбга чиқариш ва бозор иқтисодиётига ўтиш турли жамоат ҳаракатларининг бунёдкорлик ишларида кенг ва фаол иштирок этишини, чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида барча соғлом кучларни жипслаштиришни, жумҳурият аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишни, уни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тиклашни тақозо этади. Жумҳуриятда барқарор маънавий ва руҳий вазиятни, миллий тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини таъминлаш зарур.

* * *

Таклифлар ва мулоҳазаларни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашига юборишни, шунингдек 398156, 398712 рақамли телефонлар орқали маълум қилишни сўраймиз.

